



O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ
VATAN —
BARHAMIZNIKI!

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA

• 2010-yil • 8-aprel • Payshanba • 42 (31.162) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz

БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг Ўзбекистонга ташрифи ва ташриф доирасида Қорақалпоғистонда бўлиши, Мўйноққа келиб, экологик вазиятни ўрганиши, одамлар билан учрашиб, уларнинг фикрларини тинглаши Оролбўйи минтақасидаги муаммога маъруз халқаро ташкилотнинг катта эътиборидан далолатдир.

Муносабат

Орол минтақасидаги аҳвол

инсониятни огоҳликка чорлайди

— Бугун биз ўтган кунларга қараб Орол қуриётганини кўрсак, келажакка қараб, бу муаммоларнинг ҳал қилинишига ишончимиз мустаҳкамланмоқда, — деди мўйноқлик меҳнат фахрийси Қ.Бекмуратов. — Мен Мўйноқдаги охириги балиқчиман. Менинг касбимни давом эттирадиган фарзандларим бошқа мутахассисликларни эгаллади. Энди бизда балиқчилик соҳаси йўқ.

— Мен она сифатида фарзандларим, невараларим, эвараларим келажакдан жуда хавотирдаман. Бугунги кунда бир томчи сувнинг баҳоси, бир томчи она сутининг қадри қандай бўлапти, деб ўзимга савол бераман. Оналар сутни захарланиб, тугилаётган ҳар уч боланинг битта-си она сутидан маҳрум бўлмоқда, — деди 80 ёшли онахон Ж.Қодирова.

Уларнинг дардини тинглагач, «Минтақадаги экологик вазиятни кўздан кечириб аҳвол ўта мурракаб эканига амин бўлдим, — деди БМТ Бош котиби Пан Ги Мун. — Бу бутун инсониятни огоҳликка чорлайди. Бу глобал муаммони минтақадаги барча давлатлар ҳамжихатликда ҳал этиши лозим. Орол денгизини кўриб, бу фалокатнинг бутун минтақа экотизимига етказган салбий таъсири нечоғли катта эканига ишонч ҳосил қилдим».

Бугун ўйлаб қарасак, Орол денгизи қуриб кетаётганига ярим асрдан кўп вақт бўлди. Ҳеч қайси даврда Орол денгизи тақдирини, унинг қуришидан келиб чиқаётган муаммоларни ҳал қилишга мустақиллик йилларидагидек эътибор қаратилмаган.

Истиқолимизнинг илк кунлариданоқ мамлакатимиз раҳбари

БМТ ва нуфузли халқаро анжуманлар минбаридан бу экологик муаммолар хавф-хатари ҳақида дунё ҳамжамиятини огоҳ этиб келаяпти. Бу глобал муаммони ҳал этиш юзасидан қатор тақлифлар билан чиқди. Кейинги йилларда ЮНЕП ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда Оролбўйи аҳолиси соғлигини мустаҳкамлаш, ичимлик суви таъминоти, халқнинг ижтимоий турмуш тарзини яхшилашга қаратилган дастурлар ишчи амалга оширилмоқда.

Биргина Қорақалпоғистоннинг ўзида халқнинг ижтимоий ҳаёти, суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, деҳқончиликка замонавий технологияларни олиб кириш юзасидан кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Бирок, Амударё куйи оқимида сув танқислиги масаласи тобора мурракаблашиб бормоқда.

Сув тўғрисидаги ҳикматлар минтақада яшовчи халқларнинг бир-бирига меҳр-оқибати, хурмат-иззати, ҳамкор ва ҳамнафаслигини мустаҳкамлаб келган. Айниқса, неча минг йиллардан бери Амударё ва Сирдарё бўйларида умргузаронлик қилиб келаётган халқларнинг маънавияти ва қадриятларини ҳам муқаддас дарёларимиз бирлаштириб турган. Даласи даласига, яйловлари-яйловларига туташ Марказий Осиё халқлари бир-бирининг қувончу ташвишига шерик бўлиб келган. Дарёнинг бошлангишида ўтирган халқ куйи қисмлардаги халқлар деҳқончилиги, рўзғори ҳақида ҳам қай-қурган.

(Давоми 2-бетда.)

ЎзХДП ҳаёти

Партиялараро рақобат



бу — дастурий мақсадларимизни бошқа сиёсий партиялар ғояларига нисбатан афзал кўрувчи тарафдорлар сафини кенгайтириш учун курашдир, — дея таъкидланди ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдаги пленумида

Пленумда шаҳар партия кенгаши аъзоларидан ташқари Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, туман партия кенгашлари ва йирик бошланғич ташкилотлар раислари, «Истиқбол», «Фаол аёллар» қанотлари етакчилари иштирок этди.

Муҳокамаларда Ўзбекистон Халқ демократик партияси сайловолди дастурий мақсадларини амалга ошириш ва мамлакатни демократик модернизациялашда Тошкент шаҳар партия ташкилотининг иштирокини таъминлашга қаратилган Ҳаракат дастурини қабул қилиш асосий масала сифатида ўрин эгаллади.



2-бет >>>

Ҳаракат қилсак,
ташаббус
кўрсатсак

ҳар қандай
муаммонинг
ечимини топиш
мумкин

> 2

Касаначилик
ривожини

рўзғор
бутлиги омили
бўлмоқда

> 3

Соҳибқирон
шахсида
сиёсат
ва
маънавият

> 4

...Мен бир қўлимда
адолат шамини ва
иккинчи қўлимда
беғаразлик шамини
тутиб, ҳам икки шам
билан бутун умр
бўйи ўз йўлимни
ёритиб юрдим. Барча
қилмишларимда ана
шундай адолат
қондаларига риоя
қилдим».

«Темур тузуқлари»дан

9 апрель —
Амир Темур таваллуд
топган кун



Амир Темур хиёбони:

**ХАЛҚИМИЗ
БУНЁДКОРЛИК
САЛОҲИЯТИНИНГ
ЯНА БИР НАМОЁНИ**

Мамлакатимиз пойтахти — азим Тошкент йил сайин эмас, балки кун сайин, соат сайин ўзгариб, кўрамлашиб, яшариб, сайқал топиб бормоқда. Унинг ҳар бир гўшасида қад кўтарайтган янгидан-янги кўп қаватли мухташам уйлар, замонавий ҳамда миллий мейморчилигимиз аъёнларининг ўз-ара уйғунлашуви асосида барпо этилаётган фусункор бинолар, яратилаётган сўлим боғу роғлар, хиёбонлар, гулзорлар бош кентимиз қиёфасига ажиб бир жозиба бахш этмоқда.

4-бет >>>

Жамоатчилик қабулхоналари

2006 йилда Ўзбекистон Халқ демократик партияси маҳаллий кенгашлари қошида Жамоатчилик қабулхоналари ташкил этилган. Бундан қўзланган асосий мақсад партия электоратини ташвишга солаётган масалаларни ўрганиш ва мутасаддилар эътиборини қаратиш орқали муаммолар ечимини топиш эди.

Ўтган давр мобайнида маъруз тузилмага минглаб фуқаролар мурожаат этди. Улар орасида нафақат ЎзХДП электорати, балки хайрихоҳлари, тарафдорла-

ри ҳам кўпчиликини ташкил этади.

Шу билан бирга, Жамоатчилик қабулхоналари воситасида жойлардаги ижтимоий вазиятни мониторинг қилиш, муаммоларнинг юзга келиш сабаблари ўрганилди ҳамда уларни бартараф этиш имкониятлари яратилди.

Умуман олиб қараганда Жамоатчилик қабулхонаси электорат билан ишлашнинг ўзига хос йўли, усули сифатида ўзини тўла оқламоқда, деб айтишга асосларимиз етарли.

Мамлакатимиз Прези-

денти Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сиёсий партиялар фаолияти, электорат билан иш олиб боришнинг замонавий усуллари, умумэътироф этилган сиёсий технологиялардан фойдаланиш масаласини ўртага ташлади. Бу эса ташкил топганига тўрт йил бўлган ЎзХДП Жамоатчилик қабулхоналаридан тўпланган тажриба асосида фаолиятини янада такомиллаштириш, электорат билан алоқани изчил кучайтириб бориш-


ни талаб этади.

Хўш, бунинг учун нималар қилиш керак? Электорат билан ишлашнинг маъруз механизмидан янада самарали фойдаланиш учун нималарга эътибор қаратиш зарур?

Маъруз масала бўйича электорат вакиллари, партияимиз фаолларининг фикрлари, мулоҳаза ва тақлифларини газетамизда эълон қилиб боришни режалаштирдик.

Демак, тақлиф, фикр-мулоҳазаларингизни кутамиз.

Тахририят



Дунё бўйлаб

Лондон	16°C
Париж	15°C
Москва	15°C
Мадрид	19°C
Пекин	23°C
Гонгконг	21°C
Рим	18°C
Анкара	9°C
Токио	15°C
Стокгольм	11°C
Кейптаун	25°C
Қоҳира	23°C
Гавана	29°C
Вашингтон	22°C
Нью Йорк	25°C

8 апрель об-ҳавоси



Юртимизда

Тошкент	24°C
Самарқанд	23°C
Нукус	23°C
Қарши	25°C
Урганч	23°C
Навоий	24°C
Фарғона	22°C
Бухоро	24°C
Анджон	22°C
Наманган	22°C
Термиз	27°C
Жиззах	23°C
Сирдарё	23°C
Тошкент вил.	23°C

O'zbekiston
havo
yo'llari



Хизматлар
лицензияланган

Партиялараро рақобат



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Учкун ШОЙИМКУЛОВ, ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари:

— Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида электротар билан иш олиб боришининг замонавий усуллари, умумэтироф этилган сиёсий технологиялардан фойдаланиш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Бу эса электротар билан олиб борилаётган ишларни

сифат жиҳатдан яхшилашни талаб этади. Бу масалаларда партия кенгашлари фаолиятини кучайтириш зарур.

Аммо айтиб ўтиш керакки, Сергели, Ҳамза, Бектемир туман партия кенгашлари бу борада суст-кашлик қилаяпти. Мазкур вазият ўтган йилги сайлов жараёнида сезилиб қолди. Чилонзор, Мирзо Улуғбек, Юнусобод, Собир Раҳимов туман партия ташкилотлари фаолиятида жонланмиш бор. Лекин бугунги давр биздан янада ташаббускорликни талаб этмоқда. Шундангина биз сиёсий майдонда мавқеимизни сақлаб қолишга эришамиз.

Муқаддас РАҲМАТУЛЛАЕВА, 44-оилавий поликлиника бош шифокори, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати:

— Таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари партияимиз Дастуридан алоҳида ўрин эгаллаган. Бу борада маҳалла фуқаролар йиғинлари ва бошланғич ташкилотлар билан ҳамкорликда фаолият олиб бормоқдамиз. Бундан мақсад аёллар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни вояга етказиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришдан иборатдир. Бу жараёнда партияимизнинг туман кенгашлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга катта эътибор берилмоқда. Биз депутатлар сайланган ҳудудимиздаги мавжуд муаммолар сабабларини таҳлил қилган ҳолда, уларнинг ечимини топиш бўйича аниқ тақлифларга эга бўлишимиз лозим.

Баҳодир ҲАЙМАТОВ, ЎзХДП Сергели туман кенгаши раиси вазифасини бажарувчи:

— Бугунги пленумда баъзи туман партия кенгашлари қаторида бизнинг туманимиз фаолиятига ҳам танқидий баҳо берилди. Очигини айтиш керак, ишларимизда камчиликлар кўп. Электротаримиз манфаатларига хизмат қилувчи ташаббуслар билан чиқмаяпмиз.

Асосан тадбирлар ўтказиш билан чекланиб қолаяпмиз. Бошланғич партия ташкилотлари фаолиятига бефарқ қараймиз. Бугунги танқидий фикрлардан хулоса чиқариб, олишимиз зарур.

Сардора ШОКИРОВА, Мирзо Улуғбек туман партия кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси ўринбосари:

— Ҳукуматимизнинг биз ёшларга яратётган шароитларидан унумли фойдаланганимиз даркор. Партия ташкилотлари фаолияти юзасидан билдирилаётган танқидий фикрлар бизга ҳам бирдек тегишли эканини унутмаслик керак. Демак, «Истиқбол» фаоллари ҳам ўз фаолиятларини бугунги кун талаби асосида ташкил этиши зарур.

Пленумда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзХДП фракцияси раҳбари Улуғбек Вафоев, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси, ЎзХДП фракцияси аъзоси Нодир Жумаев иштирок этди ҳамда партия ташкилотлари олдига турган муҳим вазифалар, фракция билан ҳамкорликни янада кучайтириш юзасидан фикр юритди.

Пленумда партиянинг сайлов олдига дастурий мақсадларини баҳарлашга қаратилган Тошкент шаҳар партия ташкилотининг Ҳаракат дастури қабул қилинди.

Гулрух ОДАШБОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири. Абдуси ҚАЙДАРОВ олган суратлар.

Академик Мамажон РАҲМОНОВ

Мамлакатимиз илм-фани оғир жудолукка учради.

Атоқли театршунос олим, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Мамажон Раҳмонов шу йил 6 апрель кун 96 ёшида вафот этди.

Мамажон Раҳмонов 1914 йил 21 декабрда Қўқон шаҳрида туғилди. Меҳнат фаолиятини мактабда ўқитувчи сифатида бошлади. Кейинчалик Тошкент театр ва рассомлик санъати институти тугатиб, Москва давлат театр институти қошидаги аспирантурада таҳсил олди. У 1958 йилда санъатшунослик соҳасида номзодлик, 1969 йилда эса докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1979 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси аъзоси этиб сайланди.

Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали драма театри, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри директори лавозимларидаги самарали фаолияти давомида М.Раҳмоновнинг раҳбарлик қобилияти, театр соҳасининг жонқуяр билимдон сифатидаги фазилатлари ёрқин



намоён бўлди. У кейинчалик Тошкент давлат консерваторияси ҳамда Тошкент давлат театр ва рассомлик санъати институти тугатиб, Москва давлат театр институти қошидаги аспирантурада таҳсил олди. У 1958 йилда санъатшунослик соҳасида номзодлик, 1969 йилда эса докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1979 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси аъзоси этиб сайланди.

Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали драма театри, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри директори лавозимларидаги самарали фаолияти давомида М.Раҳмоновнинг раҳбарлик қобилияти, театр соҳасининг жонқуяр билимдон сифатидаги фазилатлари ёрқин

намоён бўлди. У кейинчалик Тошкент давлат консерваторияси ҳамда Тошкент давлат театр ва рассомлик санъати институти тугатиб, Москва давлат театр институти қошидаги аспирантурада таҳсил олди. У 1958 йилда санъатшунослик соҳасида номзодлик, 1969 йилда эса докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1979 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси аъзоси этиб сайланди.

Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали драма театри, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри директори лавозимларидаги самарали фаолияти давомида М.Раҳмоновнинг раҳбарлик қобилияти, театр соҳасининг жонқуяр билимдон сифатидаги фазилатлари ёрқин

қиёти, унинг долзарб муаммоларига доир кўплаб рисодалар, илмий-тадқиқот ишлари, мақола ва тўпламлар муаллифидир. Айниқса, унинг «Ўзбек театри» ва «Ўзбек театри тарихи» номли салмоқли илмий монографиялари мамлакатимиз театршунослик фани ҳамда ўзбек миллий театр танқидчилигининг ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Таърибли олим моҳир педагог сифатида ҳам самарали фаолият олиб бориб, ўнлаб истеъдодли шогирдлар тайёрлади.

М.Раҳмоновнинг илм-фани ва маданият соҳасидаги кўп йиллик хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У «Ўзбекистон Республикаси фан арбоби» фахрий унвони, «Эл-юрт хурмати» ва «Буюк хизматлари учун» орденлари билан мукофотланган эди.

Таъқиқ олим, меҳрибон устоз, катмарин инсон Мамажон Раҳмоновнинг ёрқин хотираси қалбимизда доимо сақланиб қолади.

И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ, Д.ТОШМУҲАМЕДОВ, Ш.МИРЗИЁЕВ, Х.СУЛТОНОВ, А.АРИПОВ, А.ЖАБОРОВ, Ш.СОЛИХОВ

«Партиялар ўртасидаги баҳс-мунозаралар жиддий, профессионал ва амалий негизда олиб борилиши даркор».

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида билдирилган бу фикрлар партиялар фаоллари, депутатлар учун дастурий амал бўлиб хизмат қилмоғи лозим. Бугунги кунда парламентимиз қўйи палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ўртасидаги рақобат, тортишув анча жонланмиш бораётгани сезилмоқда.

Ҳавойи гап эмас, аниқ тақлиф керак

ёки масалага либералча ёндашув ҳақида

Сиёсий рақобат майдонида муайян масалага ёндашувларнинг турлича бўлиши, фикр-мулоҳазаларнинг хилма-хиллиги табиий. Қонун ижодкорлиги жараёнида ўз электротарти маффаатини устун кўрувчи ҳар қандай партия фаол сиёсий позицияда турмаси ишончли йўқотади, унинг жамиятдаги таъсир кучи заифлашади.

Бирок сиёсий партиялар ўртасидаги баҳсларда гўё электротарти маффаати учун жон куйдираётгандай бўлиб асоссиз, мантқиқсиз гапларни айтиш ҳоллари давом этмоқда.

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинганда олинган телеавлаҳа эфирга берилди. Унда ЎзХДП вакили вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлигининг олдини олишда ота-оналар билан бирга тадбиркорлик субъектларининг ҳам масъулиятини ошириш кераклиги тўғрисида фикр билдирди. Либерал-демократик партия вакили эса бундай ёндашувни тадбиркорларнинг эркин фаолият кўрсатиши ҳақидаги қарашларга мос келмайди, деб баҳолади.

Ваҳоланки, гап тадбиркорнинг эркинлиги, ҳуқуқини чеклаш ҳақида эмас, балки вояга етмаганларни тунги вақтларда кузатувчиси, яъни ота-онаси ёки унинг ўрнини босувчи бири кишисиз барлар, ресторанлар, интернет-кафе, компьютерхоналар ва бошқа кўнгилочар масканларга киритмаслик ҳақида эди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, вояга етмаганлар ўртасида содир этилаётган аксарият ҳуқуқбузарликлар ана шундай кўнгилочар масканларда юз бермоқда. Айрим ҳолатларда эса миҳозлар сони кўпайишини, қолаверса, ўз маффаатини уйлаб, бундай жойларнинг эшикларини вояга етмаганлар учун ҳам ланг очиб қўйишмоқда. Айрим тадбиркорлар бир кунлик фойдалдан кўра, фарзандларимиз тарбияси минг чандон муҳим масала эканлигини уйлашмаяпти.

Афсуски, ЎзЛиДеП вакили муаммони тан олмай, тадбиркорлар маффаатини мантқиқсиз ҳимоя этиш баробарида уларнинг бурч ва масъулиятини унутайтганга ўхшайди.

Имомбери БЕРДИЕВ, халқ депутатлари Жиззах туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари.

ЎзХДП ҳаёти

Ҳаракат қилсак, ташаббус кўрсатсак

хар қандай муаммонинг ечимини топиш мумкин

«Бугунги кунда эл-юртимиз ўзи сайлаган депутатлар ва сенаторларга, ислоҳотлар тақдири учун масъул бўлган барча-барча инсонларга катта умид ва ишонч билан қарамоқда. Бундай юксак ишончни оқлаш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарзидир!».

Урганчада ташкил этилган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил якунига бағишланган йиғилишидаги Президентимиз маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларни бажаришда ЎзХДП ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмаларининг ўзаро ҳамкорлиги мавзусидаги анжуманда бу ҳақда алоҳида таъкидланди.

Партияимиз сайловолди дастурий мақсадларини ҳаётга татбиқ этиш ҳамда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жараёнида жойларда учраётган камчиликлар, сусткашлик, ўзибузарчилик каби иллатларга барҳам бериш юзасидан фикр алмашилди.

Сузага чиққанлар ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури юзасидан чуқур ўйланган, шу жумладан, муқобил, рақобатбардош лойиҳаларни тақдим этиш лозимлиги ҳақида фикр мулоҳазаларини билдирди. Йиғилишда таъкидландики, жойларда учраётган баъзи нуқсонларни аниқлаш, уларни очик, ошқорча муҳокама этиш, юзага келаятган ҳамда ўткир ижтимоий масалаларни ҳал этиш юзасидан амалий тақлифлар билан чиқиш лозим.

— Президентимиз ўз маърузасида биз депутатлар олдида жиддий масалаларни қўйди, — деди халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгаши

депутати Олтибой Ражабов. — Сессияларда бемалол лоқайд ўтирадиган вақтлар ўтмишда қолиб кетди. Депутат ўз вазифаси, ҳақ-ҳуқуқини яхши билиши ҳамда ваколати доирасида доимий ҳаракатда бўлиши шарт. Ҳаракат қилсак, ишласак ҳар қандай масаланинг ечими албатта топилади.

Анжуманда партияимиз электротарти маффаатларини ҳимоялашга қаратилган қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг жойларда мустаҳкамлаш ташкилот, идоралар томонидан бажарилиши юзасидан мунтазам мониторинг олиб бориш, бу жараёнда партия «Истиқбол» ёшлари ва «Фол аёллар» қанотларини кенгроқ жалб қилиш зарурлиги қайд этилди.

Бўлиб ўтган қизгин баҳс-мунозараларда фаоллар партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш орқали иш самарадорлигига эришиш мумкинлигини таъкидладилар. Бу борада тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Анжуманда партия Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Мухтасар Абдурахмонова, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Хайрулла Рўзметовлар ҳам сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Орол минтақасидаги аҳвол

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Сув ҳаёт демакдир. Сувдан оқилона фойдаланиш, табиат қонунларини бузмаслик, она табиатга хиёнат қилмаслик талаб этилади. Фақат бойлик орттириш мақсадида сув ресурсларидан номақбул фойдаланиб, инсонлар ҳаётига, табиатга, атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатадиган гидротехник иншоотларни барпо қилишдан олдин пухта ўйлаб кўриш, асрлар мобайнида халқларимиз ўртасида мустаҳкамланган оға-инилик, биродарлик аъёнларини ҳисобга олиш керак эмасми.

Халқ ҳикматларидан бирида: «Осмон ва ер орасида асрлар давомида бир-бири билан ўзаро муносиблик, мувозанат сақланиб келинмоқда. Агарда вақти келиб бу мувозанат бузилса, бунга инсоният сабабчи бўлади» деб таъкидланган. Бундан хулоса чиқариш, тирикчилигимиз манбаи бўлган еримизни, сувимизни асраш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Гулистон АННАЛИЧЕВА, «Қорақалпоғистон тонги» газетасининг Бош муҳаррири, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгаши депутати, ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси.

2010 йил — Баркамол авлод йили!

Замонавий касб-ҳунар маскани

Тайлоқ тумани Жумабозор қишлоғидаги иқтисодий ва сервис касб-ҳунар коллежида 419 нафар қишлоқ ёшлари олти йўналиш бўйича таълим-тарбия олмақда.



Уларга Зоҳид Бекмуродов, Азизжон Қаюмов, Гуландон Шабдунова, Наргиза Маматқаримова каби таърибли ўқитувчилар сабоқ бермоқда.

— Ўқувчилар пухта билим олиб, ўзлари танлаган касб-ҳунар сирларини чуқур ўрганишлари учун зарур бўлган барча шароитлар яратилган, — дейди коллеж директори Мансурхон Ҳамроев. — Ахборот-ресурс маркази, кимё, физика лабораторияси, компьютер синфи, спорт зали, ошхона... ҳамма-ҳаммаси ёшлар учун. Ўқувчиларини аъло ўқиши, жамоат ишларида фаол қатнашувини рағбатлантириш мақсадида ҳисобидан стипендиялар жорий этилган. Коллежни битирганларни ўз вақтида ишга жойлаштириш учун

туман молия бўлими, қатор банклар, халқ таълими муассасалари, автомобилларга ёниги қўйиш шохобчалари билан шартномалар имзоланган...

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу масканда ёшларга нафақат касб ўргатилмоқда, уларнинг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб вояга етишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маҳалла фуқаролар йиғинлари, тиббиёт, ички ишлар ходимлари, дин соҳаси бўйича мутахассислар, катта ҳаёт таърибасига эга нурунийлар билан ўтказилаётган учрашувлар ўқувчилар дунёқарашини шакллантириш, маънавий-ахлоқий тарбиясини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Халқимизда соғлом танда — соғ ақл деган мақол

бор... Қолаверса, жисмоний жиҳатдан соғлом кишига катта орзу умидлар билан ашайди, ўз мақсади йўлида кураша олади. Коллежда ўқувчиларнинг жисмоний жиҳатдан қиниқтириш, соғлигини мустаҳкамлашга ҳам жиддий аҳамият берилмоқда. Туман тиббиёт бирлашмаси муассасаларида ўқувчилар тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилиб, улар соғлиги тўғрисида хулосалар қайд этиб берилмоқда. Турли спорт мусобақалари иштирокида келинмоқда.

Коллежда яратилган шарт-шароитлар, ўтказилаётган тадбирлар, ёшларнинг билим олишга, касб ўрганишга бўлган иштиқолларини кўриб, бу ерда чиндан ҳам баркамол авлод вояга етаётганига ишонч ҳосил қилсан киши.

Санжар САФАРОВ

«Мутахассислик — сенинг келажагинг»

касблар кўргазмасида мактаб битирувчилари ўрта махсус касб-ҳунар таълим муассасалари ҳақида батафсил маълумотга эга бўлдилар

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар прокуратураси, ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида ташкил этилган кўргазма ана шундай тадбирлардан биридир. «Мутахассислик — сенинг келажагинг» мавзусидаги мазкур кўргазма умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ жалб этиш мақсадида ташкил этилди.

— Жорий йилда Тошкент шаҳридаги 311 та умумтаълим мак-

табининг 9-синфларини 39107 нафар ўқувчи битирмоқда, — дейди Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи Комилжон Фуломов. — Уларни касб-ҳунарга йўналтириш мақсадида мактабларда «Мен орзу қилган касб» мавзусида иншоалар танлови, очик эшиклар кўни, касб-ҳунар коллежларида эса касблар фестивали ўтказилди. Амалга оширилган ишларнинг давоми сифатида мазкур кўргазма ўқувчиларга 2 кун давомида пой-



Абдуси ҚАЙДАРОВ олган суратлар.

тахтда жойлашган барча касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ҳақида батафсил маълумот беради.

Дилафрўз ЗАЙНИЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Вобкентда уй тўйлари

Президентимизнинг «Қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид кўшимча чоралар тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида Вобкент туманидаги «Паноб» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда намунавий лойиҳа асосида уй-жойлар қуриш бошланганига анча бўлди.

Яқинда шу уйларнинг 27 таси фойдаланишга топширилди. — Бу бизга Наврўз тўғрисида бўлди, — дейди янги уй соҳибни Баҳром Холдов. — Уйимиз тўрт хонали бўлиб, ҳамма шароит мўжай. Мустақиллик байрами арафасида «Паноб»да яна 55 та, шу жумладан, 18 та икки қаватли уй-жой фойдаланишга топширилади.

Даврон БАҲРОНОВ

Бандлик дастури амалда

Касаначилик ривож

янги иш ўринлари, даромад манбаидир

— Давлатимиз раҳбари йил якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида мамлакатимиз тараққиётининг устувор вазифаларини белгилаб берди, — дейди Касби туман ҳоқими, ЎзХДПдан вилоят кенгаши депутати Фурқат Шарипов. — Айниқса, аҳоли бандлигини таъминлаш билан боғлиқ масалалар энг муҳим вазифаларимиздан бири ҳисобланади.

У суҳбат давомида миллий хунармандчилик ва касаначиликни ривожлантириш борасидаги режалар ҳақида тўхталди. Бу хайрли ишга пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Корхонада 700 нафардан ортиқ ишчи-хизматчи меҳнат қилади.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш мақсадида 2,5-3 миллиард сўм миқдорда маблағ ажратилиб, ҳадемай цехларни кенгайтириш, янги ускуналар билан таъминлаш ишлари бошланиб кетади. Бу яна ўнлаб янги иш ўринлари яратиш имконини беради.

Хамроҳим — ЎзХДП туман кен-

гаши раиси Абиали Холов бандлик дастурини амалга оширишда миллий хунармандчилик аъналарини давом эттиришнинг алоҳида ўрни борлигини айтди. Касбида бу соҳага қизиқиш кучли, — деди у.

Комилон қишлоғи маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мирза Арслоновнинг айтишича, қишлоқда 5126 нафар аҳоли истикомат қилади. Новойхона, енгил автомашиналарга хизмат кўрсатиш устакхона қурилган. Сув таъминоти яхши, шунинг учун одамлар томорқасига сабзавот экиб, рўзғорига барака киритишади.

Мастура Хамроеванинг хонадониди бўлди. Томорқага қандаш олиниб, картошка экилган. Уй бекаси тўрт ўғил ва қизни камолга етказаяпти. Катта ўғлини уйлантиришган, қудаси Мейли Одилова билан маслаҳатлашиб, уйда чевар қизларни тўплабди.

— Маъмура қизим коллежда тикиш-бичиш сирларини ўрганди, — деб ҳикоя қилади Мейли Одилова. — Турмушга чиқди, ҳозир икки фарзанди бор. Шунда ўзаро кенгашиб, қизларимизга тикувчилик, каштачилик, зардўзлик хунарини ўргатишга қарор қилдик. Аввал қийналишди, кейин ўрганиб кетишди.

— Овсиним Гулжаҳон, қайнисинглим Муҳаббатхон ҳам жуда чевар, — суҳбатга қўшилди Маъмура Эргашева. — Ҳозир етмиш хил буюм тайёрлаяптим. Хамма ишларимизга қайнонам бош-қош.

— Тайёр буюмларимизга нафақат ўзимизда балки кўшни вилоятларда ҳам харидор бор. Ҳатто

хунармандлар макони бўлмиш Бухорода ҳам — дейди Мастура Хамроева. — Рост, бухоролик чеварлар жуда моҳир. Аммо келин ва қизларим тикаётган зардўз нимча, кашта ва бошқа буюмлар уларникидан қолишмайди. Ёстиқ-печ, зардевол, бешикёп-қичларимизга талаб катта. Қизларимиз кам бўлишаётгани йўқ. Оқсоқлимиз Мирза акани «Қандолатчилик цехи қуришга кўмаклашинг», деб ҳоли жонига қўймаймиз. Агар шу ишни уйдalasак, яна қанча ёшлар ишли бўларди...

Майманоқ маҳалла фуқаролар йиғини раиси Эрдон Холмуродов аҳоли фаровонлиги, хусусан, иш билан таъминлаш борасида қилинаётган ишлар ҳақида ҳикоя қилиб берди. Маҳалла ҳудудида мактаб, болалар боғчаси бор. Мавжуд 252 гектар боғнинг 30 гектари бодомзор. Яна 63 гектар майдонда узумзор барпо этилган. Аҳолига қарашли 300 гектар томорқаларда сабзавот, картошка, бодом, қора қишмиш, тойфи узумлари етиштирилмоқда. Даромади ёмон эмас. Шу жойдаги консерва корхонаси анча ёшларни меҳнатга жалб этди.

Қишлоқ марказида эски бино таъмирдан чиқарилиб, тикувчи қизлар ихтиёрига берилди. Маҳалла фуқаролар йиғинининг диний-маърифат ишлари бўйича маслаҳатчи Фароғат Равшанова қизларнинг қўли ишга келиб қолганидан қувонади. Коллежда ўқиб, машгулотлардан кейин иш ўрганаётган ёшлар анчагина.

— Менинг онам тикувчи, — дейди касаначи қизлар раҳбари Зуҳра Суянова. — У киши менга иш

ўргатган. Турмушга чиқиб, икки нафар фарзандли бўлдим. Корхона очсам, чеварларни бир жойга йиғсам, деган орзум бор эди. Ҳозир 20 нафардан ортиқ чеварлар корхонамиз атрофига бири-лашган. Улар асосан уйлариди меҳнат қилишади. Тикаётган тўн, кўйлак, кашта кўрпачаларига талаб катта. Насиб этса, ишлаб чиқаришни яна кенгайтираимиз.

— Мана шундай савй-ҳаракатлар туфайли анча киши меҳнат билан банд бўлаяпти, — дейди бандликка кўмаклашувчи туман маркази директори ўринбосари Дилшод Жумаев. — Агар туманимизда 180 миң аҳоли истикомат қилаётган бўлса, уларнинг ярмидан кўпроғи хотин-қизлардир.

Касби қишлоқларида чорвачиликни ривожлантириш имкониятлари етарли. «Қарши — Бешкент» йўналишидаги йўл ёқасида хизмат кўрсатиш тармоқлари вужудга келди. Бу ҳам янги иш жойлари дегани. Вилоят «Хунарманд» уюшмасининг туман бўлими очилди. Энди миллий хунармандчилик асосида касаначилик тараққиёти топади. Чунки гилам тўқувчи моҳир чеварлар кўп. Қамаш қишлоғида 17 миң нафардан ортиқ аҳоли яшайди. Бундай қишлоқларда уй хунармандчилигини йўлга қўйса, ёшлар, уйда ўтирган аёллар ишли бўлишади. Бундан ташқари, касб-хуна қоллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш мақсадида меҳнат ярмаркалари ўтказиш ниятимиз бор.

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.



Хорижда

Буюк Британия янги сиёсий ўзгаришлар остонасида турибди. Мамлакат бош вазири Гордон Браун қиролича Елизавета II розилигига кўра, амалдаги парламентни тарқатиб юборади ва 12 апрелдан сайлов-олди кампанияси расмий бошланишини эълон қилади.

Сиёсий вазият

қизин тусга кирмоқда

6 май кунини эса парламент сайловлари бўлиб ўтади, дея хабар беради ИТАР-ТАСС. «Sunday Times» хафталигида чоп этилган сўров натижаларига кўра (ушбу жамоат сўрови яқинда ўтказилган) 13 йилдан бери муҳолиф позицияда фаолият юритиб келаётган Консерватив партияга энди ўзини кўрсатиш имконияти туғилади. Сўров натижалари шундан далolat бермоқдаки, ушбу сайловда консерваторлар 36 фоиз овоз олиб, парламентнинг 278 та депутатлик мандатини кўлга киритиши мумкин экан. Агар шундай бўлса, консерваторлар йирик фракцияни тузиш имконига эга бўлади. Аммо парламент

кўпчилигини ташкил этиш учун унга яна 48 та ўрин етишмайди.

1997 йилдан бунён мамлакатни бошқариб келаётган Лейбористлар партияси эса ушбу сайловда ўз позициясини бой бериши ва «мудофаа»да туриб иш юритиши мумкинлигини сўров иштирокчилари башорат қилишган. Сўров натижаларига кўра, улар 29 фоиз овоз олиб, 260 та депутатлик мандатини кўлга киритиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Либерал-демократик партия эса 23 фоизлик овозга (79 та ўрин дегани) умид қилиб турибди.

Булар аввалдан ўтказилган сўров натижалари холос. Ҳаётини натижалар эса май ойида аниқ бўлади.

Куч ишлатиб тарқатиб юбориш

юзасидан санжария беришни рад қилди

Таиланд суди 12 мартдан бунён Бангкок пойтахтида давом этаётган «қизил кўйлақчилар»нинг норозилик намойишини куч ишлатиб тарқатиб юбориш тўғрисидаги ҳукумат мурожаатини кўриб чиқишни рад этди. Суд вакилининг айтишича, мамлакат бош вазири Абхисит Ветчачива суд аралашувисиз ҳам хавфсизлик кучларига буйруқ бериш ваколатига эга.



Таиланд оммавий ахборот воситалари хабар тарқатишича, айнан шу боис ҳам бош вазирининг хавфсизлик масалалари бўйича ўринбосари, ички хавфсизлик кўмондонлиги директори Сутхеп Тхиакусубан «қизил кўйлақчилар» намойишини тарқатиб юбориш ҳақидаги буйруққа имзо чеккан.

Аммо намойишчилар ҳукуматнинг бундай қилмаслигига ишонмоқда. Агар куч ишлатилса, намойиш қонли тўқнашуга айланиб кетиши мумкинлигини айтмоқда. Ахир 50 миңдан ортиқ «қизил кўйлақчилар» намойишга йиғилган. «Bangkok Post Nation» интернет-нашри хабарига қараганда, намойишчилар кўчалар бўйлаб юриш қилмаслиги

учун полиция ва ҳарбийлар йўлларни тўсиб қўйган.

Эслатиб ўтамиз: мамлакатнинг собиқ бош вазири Таксин Чинават тарафдорлари бўлган «қизил кўйлақчилар» парламент тарқатиб юборилишини ва қайта сайловлар ўтказилишини талаб қилиб, 12 мартдан бери мамлакат пойтахти Таиландда норозилик намойишини ўтказмоқдалар. Ҳозир Таиланднинг бир қанча кўчалари «қизил кўйлақчилар» қамалида. Дўконлар, кинотеатрлар, умуман, барча муассасалар ишламаяпти. Бизнес соҳиблари кунига 500 миллион бат миқдорда зарар кўрмоқда. Намойишчилар билан олиб борилаётган музокаралар эса ҳозирча натижа бермаяпти.

Диққат, танлов!

«Адлия идоралари: ОАВ нигоҳида»

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва мақсадларини кенг жамоатчиликка халқчил тилда етказиш, адлия тизими томонидан аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган тадбирларни марказий ва маҳаллий телевидение, радио, босма нашрлар ҳамда интернет саҳифаларида ёритилишига эришиш мақсадида «Адлия идоралари: ОАВ нигоҳида» кўрик-танлов ўтказилади. Ушбу танловда журналистлар билан бир қаторда ҳуқуқшунослар ҳам иштирок этиш имкониятига эга.

Танловга иштирокчилар томонидан тақдим этилган ҳар йилнинг 1 мартдан 1 ноябргача бўлган даврда, журнал, интернет нашрларида эълон қилинган ўзбек, рус ёки қорақалпоқ тилидаги мақолалар, телевидение ва радиода эфирга узатилган материаллар ёзилган CD дисклар ва аудиокассеталар қабул қилинади.

Тақдим қилинган материаллар кўйидаги мезонларга кўра танланади:

- а) ёритилаётган масалаларнинг ижтимоий-ҳуқуқий аҳамиятини очиб даражаши ва унинг мазмуни;
- б) материалнинг мавзуга доир ва тушунарли берилиши;
- в) материалнинг жозибадор ва ўзига хос берилиши;
- г) материалларда суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар аҳамиятини кенгрок очиб берилиши;
- д) «Баркамол авлод йили» муносабати билан миллий қонунчиликка киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар аҳамиятини ёритиш;
- е) тизим таркибига кирувчи муассасалар томонидан амалга оширилаётган тадбирлар ва улар-

нинг натижаси ҳақида;

ж) қонун ҳужжатларини тарғиб этиш ва кенг жамоатчиликка уларнинг моҳияти ва мақсадларини халқчил тилда етказиш.

Кўрик-танлов ғолиблари кўйидаги номинациялар бўйича тақдирланади:

1. «Энг яхши телелавҳа»
 2. «Энг яхши радиоэшиттириш»
 3. «Энг яхши мақола»
 4. «Энг яхши интернет материал»
 5. «Энг яхши видеоорлик»
- Ғолибларни ушбу совринлар кутмоқда:
1. 3 та биринчи ўрин учун рангли телевизор
 2. 3 та иккинчи ўрин учун диктофон
 3. 3 та учинчи ўрин учун DVD магнитофон
 4. 1 та энг яхши интернет материал учун фотоаппарат
 5. 1 та энг яхши видеоорлик учун рангли телевизор.
- Шунингдек, рағбатлантирувчи мукофотлар ҳам таъсис этилган. Танловда иштирок этиш учун материаллар ҳар йилнинг 1 ноябргача қабул қилинади.

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

қуйидаги бўш (вакант) кафедра мудири, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент) лавозимларига битим асосида танлов эълон қилади:

Рус тили ва адабиёти, Иссиқлик физикаси ва энергетикаси, Астрономия ва оптика, Математик анализ ва алгебра, Миллий ғоя, ҳуқуқ ва маънавият асослари, Умумтехника, Зоология, Агрохимия ва экология, Фалсафа, Факультетларо жисмоний маданият кафедралари мудириликка:

Ўзбекистон тарихи, Миллий ғоя, ҳуқуқ ва маънавият асослари, Социология, Фалсафа, Бошланғич таълим, Ўзбек тили ва адабиёти услубиёти, Касбий таълим, Иссиқлик физикаси ва энергетикаси, География, Кимё кафедралари доцентлиги лавозимларига;

Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи ва археология, Миллий ғоя, ҳуқуқ ва маънавият асослари, Социология, Ўзбек адабиёти, Ўзбек

тилшунослиги, Фалсафа, Рус тили ва адабиёти, Инглиз тили ва адабиёти, Инглиз тили, Немис тили ва адабиёти, Бошланғич таълим, Ижтимоий педагогика-психология ва мактабгача таълим, Ўзбек тили ва адабиёти услубиёти, Мусика, Психология, Касбий таълим, Умумтехника фанлари ва меҳнат, Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси, Амалий математика ва информатика, Математик анализ ва алгебра, Умумий математика, Иқтисодиёт назарияси, Физика ва уни ўқитиш методикаси, Астрономия ва оптика, Зоология, Аг-

рохимё ва экология, География, Физиология, Кимё, Спорт асослари, Факультетларо жисмоний маданият, Жисмоний маданият кафедралари катта ўқитувчилиги лавозимларига;

Ўзбекистон тарихи, жаҳон тарихи ва археология, Миллий ғоя, ҳуқуқ ва маънавият асослари, Ўзбек адабиёти, Ўзбек тилшунослиги, Рус тили ва адабиёти, Инглиз тили ва адабиёти, Инглиз или, Немис тили ва адабиёти, Француз тили ва адабиёти, Бошланғич таълим, Ўзбек тили ва адабиёти услубиёти, Мусика, Психология, Педа-

гогика, Касбий таълим, Умумтехника фанлари ва меҳнат, Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси, Иссиқлик физикаси ва энергетикаси, Амалий математика ва информатика, Математик анализ ва алгебра, Умумий математика, Физика ва уни ўқитиш методикаси, Астрономия ва оптика, Агрохимё ва экология, Ботаника, География, Кимё, Спорт асослари, Факультетларо

Манзил: 730003, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17-уй.
Телефон: (8-375) 225-34-13,
факс: 225-57-01. e-mail: kard@mail.ru.

Ташиқлотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

Сурхондарё вилояти ҳоқимлиги

«Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

2010 йилги дастур асосида қуйидаги объект бўйича пудратчи ташиқлотни танлаш юзасидан очиқ танлов савдои ўтказилишини эълон қилади:

Сурхондарё вилояти, Жаркўрғон туманидаги 12-сонли мактаб учун ёрдмачи хоналари билан 12x24 м. ўлчамдаги спортзал қурилиши.

Объектнинг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғи билан — 222,976 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 185,813 млн. сўм.

Қурилиш муддати — 120 кун. Буюртмачи: Сурхондарё вилояти ҳоқимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси. Манзили: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй. Тел/факс: (8-376) 222-49-71, 222-49-80, 222-49-85.

Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предмети-нинг 20 фоизи миқдоридида айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағнинг беришга банк кафолиятномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий им-

кониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, таърибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташиқлотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов тақлифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилди: танлов иштирокчиларининг тақлифларини баҳолаш жараёнида танлов тақлифлариди четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилув-

чилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, тақлиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташиқлотчиси — «Ўздавархитектурилиш» қўмитасининг қурилишида танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй, Телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташиқлотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиши кунини ва соати.

Тақлифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилганда бош-лаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уйда ўтказилади.

Амир Темур хиёбони: ХАЛҚИМИЗ БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИНГ ЯНА БИР НАМОЁНИ



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Чунончи, Тошкентнинг қоқ марказидаги Амир Темур хиёбонида амалга оширилган ва бугун ҳам давом этатган улкан ишлар унинг шаклу шамойилини бутунлай ўзгартириб юборди. Бир йил нари турсин, ҳатто, атиги бир ой шахарда бўлмаган киши бугун хиёбонга ташриф буюрса, унинг тароватидан хайратта тушиши табиий. Зеро, қисқа фурсат ичида мазкур майдон кўркам масканга, бетакорор мейморий ёнимдаги яхлит ансамбль кўринишига эга бўлди. Ҳеч иккиланмасдан айтишимиз мумкинки, юртимизнинг ҳар бир фуқароси миллий маънавий қадриятларимизни, мейморчиликимизнинг юксак намуналарини ўзида мужассам этган ушбу замонавий комплекс тимсолида халқимизнинг асрий орзу-умидлари, бунёдкорлик ва яратувчанлик қудратининг яна бир амалий намунасини кўраётган бўлса ажаб эмас.

Яқин ўтмишга назар солсак, Амир Темур хиёбони бир асрдан зиёда вақт муболағидан кўп синовларни бошидан кечирганига гувоҳ бўламиз.

Милодий VII-VIII асрларда. Чоқ вилоятнинг марказий шаҳарларидан бири бўлган Мингүрик, айниқса, гуллаб-яшнади. Хусусан, савдо-сотиқ, ҳунармандчилик, санъат, мейморчилик тараққий этди. Буюк ипак йўли орқа-

ли шарқ ва ғарб мамлакатлари билан ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий алоқалар йўлга қўйилди. Хусусан, Мингүридан шарққа томон йўналган савдо йўллари кесишган чорраҳа айнан ҳозирги Амир Темур хиёбони атрофидаги Сайилгоҳ, Ҳамза ва Мовароуннаҳр кўчалари жойлашган ҳудуддан ўтган эди. Бир сўз билан айтганда, мазкур ҳудуд пойтахтимизнинг энг қадимий гушаларидан бири бўлган.

1993 йилнинг 31 августида Президентимизнинг ташаббуси ва лойиҳаси билан хиёбоннинг қоқ марказида Соҳибқирон хайкали қад ростлади. Хиёбонга Амир Темур номи берилди.

1996 йил 18 октябрдан хиёбон ёнида аънавий ва замонавий миллий мейморчиликимиз ўтуқларини ўзида мужассам этган Темирийлар тарихи давлат музейининг барпо этилиши майдонга ўзгача қўрқу тароват бағишлади.

2009 йилда Амир Темур хиёбонининг жануби-шарқ тарафида пойтахтимизнинг 2200 йиллик юбилейига муносиб совға сифатида «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи бунёд этилди. У ўзининг беҳисс маҳабати ва салобати билан бу хиёбонга янада чирой ва виқор бағишлади. Бугун ушбу муҳтоз бадиий обида тимсолида буюк аждодимизнинг бундан олти аср муқаддам миллатимизнинг бунёдкор-

лик даҳосини эътироф этиб, «Кимки бизнинг шон-шўхратимизни кўрмоқчи бўлса, биз барпо этган иморатларга назар солсин» дея айтган машҳур сўзлари нақадар ўринли эканига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Кейинги йилларда шаҳарларимизда ландшафт дизайни асосида мейморий мажмуаларга шакл ва жилло беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, янги ишлаб чиқилган «яшил дастур» асосида юртимиздаги кўплаб истироҳат боғлари, кўча ва хиёбонлар янада кўккаламзорлаштирилиб, сўлим гўшаларга айланмоқда. Шу ўринда, айтиш керакки, табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш идоралари, соғлиқни сақлаш соҳаси мутахасссларининг хулоса ва тақлифларини ҳар томонлама ўрганиш асосида Амир Темур хиёбонидagi дараклар янгилади.

— Дараклар ҳам янгилашни талаб қилади, — дейди Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси кўккаламзорлаштириш бўлими раҳбари Ботир Ортиққўжаев. — Хусусан, Амир Темур хиёбонидagi кўча, айлантуса, ясеня, акация каби даракларнинг экилганига анча бўлган. Уларнинг кўпчилиги тўқилган уруғлардан униб чиққани босиб бири-бирига яқин зич жойлашиб, тартибсиз манзара ҳосил қилган. Натияжада

касалланиб, бир хили тагидан, айримлари тепасидан чириган. Энг ёмони, улар ўзидан зарарли моддалар ва момиқ парлар чиқариб, экологияга салбий таъсир этган ҳолда, кўпчилик ҳамшаҳарларимизнинг турли аллергик хасталикларга чалинишига сабаб бўлаётган эди. Бугун уларнинг ўрнини инсон саломатлиги учун фойдали бўлган, хиёбонга ўзгача фурсун бахш этадиган манзара-ли дараклар, қишин-ёзин яшил бўлиб турадиган арчалар эгаллади. Ўз навбатида бу ердаги дуб, каштан ҳамда жуда чиройли гуллайдиган либо дараклари сақлаб қолинди.

Ободонлаштириш бош бошқармаси берган маълумотга кўра, хиёбонга 600 дан ортик қрим қарагайи, 200 та эман ва яна шунча каштан даракли, шунингдек, магнолия, сперия, жасмин, япон беҳиси каби гуллайдиган бута кўчатларининг 15 хил навидан 300 дан ортиги экилган.

— Қрим қарагайи Тошкент шароитида жуда чиройли ўсади, — дейди Ободонлаштириш бош бошқармаси сайилгоҳ бўлими агрономи Абдувоҳид Муслимов. — У ўзидан килоруд ва инсон саломатлиги учун зарур бўлган фитонцид моддаларини кўп чиқаради. Бу эса ҳавони ҳар хил микроблар, тарқалиш эҳтимоли бўлган вируслардан тозалашга ёрдам беришига, хатто ташқари,

уларнинг илдизи бақувват бўлиб, ҳар қандай кучли шомол ва совқдан зарарланмайди. Даракнинг танаси, барглари, уруғи ҳамда гулида ҳеч қандай салбий хусусият йўқ. Айниқса, эман даракли атроф-муҳитга соғломлаштирувчи таъсир ўтказиши билан бошқа ўсимликлардан устун туради.

Таъкидлаш жоизки, кўккаламзорлаштириш ишларида нафақат қурувчи-боғбонлар балки, пойтахт маҳаллалари ҳам фаол иштирок этди.

— Амир Темур хиёбонининг қисман маҳалламиз ҳудудида жойлашгани кишини қувонтиради — дейди «Қашқар» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Алишер Қурбанов. — Бугунги кунда хиёбонда амалга оширилётган ободонлаштириш ишларидан маҳалламиз ахли хурсанд.

— Тошкентга илк бор 1954 йилда футбол ўрашувини томоша қилгани келганман, — дейди Юнус Ражабий маҳалла фуқаролар йиғини раиси, «Дўстлик» ордени соҳиби Михаил Китев. — Ўша пайларда трамвай ва троллейбусни ҳисобга олганда шаҳарнинг қишлоқдан фарқи йўқ эди. Бугун-чи? Ҳеч бир муболағасиз айтишим мумкинки, қисқа вақт ичида Тошкент дунёнинг энг гўзал, замонавий ҳамда ҳушманзара шаҳарларидан бирига айланди. Айниқса, кейинги йилларда амалга оширилган бунёдкор-

лик ишлари пойтахтимиз қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. Шаҳримизнинг ҳар бир бурчадаги бетакорор мейморий иншоотлар, кенг ва раво кўчалар, сўлим боғроғлар, хиёбонлар барпо этилмоқда. Хусусан, Амир Темур хиёбонининг шарқий қисмида савлат тўқиб турган, миллий мейморчилик санъатининг том маънодаги ёрқин намунасига айланган «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи ҳаммамизни гурурлантирмоқда. Хиёбоннинг бугунги кўриниши, унинг атрофидаги биноларнинг ўзаро уйғунлашуви мени хайратда қолдиради.

— Ҳар гал метронинг Мустақиллик майдони бекатидан институтимиз томон келаётган аввало, Амир Темур хайкали ва «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройига кўзим тушади, — дейди Тошкент давлат юридик институти талабаси, Президент стипендиати Олим Файзиев. — Мустақиллик майдони, Сайилгоҳ кўчаси, Амир Темур хиёбони ва гўзал сарой яхлит бир мейморий мажмуага айланиб, такорланмас манзара касб этган. Хиёбонда янги ўрнатилган замонавий ёриткич ускуналари ва чироқлар уни кечалари янада жозибали қилиб кўрсатади. Автомобиль йўлларининг кенгайтирилиши, гўзал Наврўз айёми арафасида замонавий ер ости йўлларининг қуриб бит-

казилиши эса хиёбондан сайилгоҳ томон ўтувчи пиёдалар учун яхши қўлайлик бўлди.

— Деярли 15 йилдан бери ҳайдовчилик қиламан, — дейди Роман Платов. — Амир Темур хиёбонининг ҳозирги кўринишига йўловчилар хайрат билан, завқланиб боқарганига кўп гувоҳ бўлам. Тўғриси, ҳар гал хиёбон атрофидан ўтаётганимда тезликни пасайтириб, уни томоша қиламан...

Мустақиллик йилларида юртимизда, айниқса, унинг юраги бўлмиш пойтахтимиз Тошкентда ўзбек шаҳарсозлигининг ноёб дурдоналари яратилди. Биз нафақат мустақил давлат барпо этдик, балки дунёнинг маъна-ман деган шаҳарлари билан беамалол беллашадиган, бўйлашадиган шаҳарлар ҳам қурдик, яратдик. Ва бу ишлар бугунги кунда ҳам изчиллик билан давом эттирилмоқда. Амир Темур хиёбони ва унда олиб борилган ободонлаштириш ишлари ҳам бунинг далилидир.

Биз бугун ўз уйимизни, ўз шаҳримизни, ўз Ватанимизни қандай обод қилишни, бунёд этишни, безатишни ўзимиз яхши биламиз.

Бугун халқимиз ўз йўлбошчиси раҳбарлигида авлодларга биздан озода ва обод Ватан қолдиришдек улғаймақсад йўлида яшашмоқда, меҳнат қилмоқда.

Дилшод НАРЗУЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири

Соҳибқирон шахсида сиёсат ва маънавият

Амир Темур ўзбек давлатчилиги тарихида сиёсат ва маънавият уйғунлигига эришган ноёб шахслардан бири ҳисобланади. Бундай уйғунлиқни тарихда камдан-кам салтанату султонларда кузатиш мумкин. Аввало, шунга таъкидлаш керакки, Соҳибқирон фаолиятида адолат тушунчаси жуда муҳим ўрин тутган. Беҳизга унинг муҳрида «Куч адолатдадур» деган сўзлар битилмаган эди. Адолат тантанаси боис, давлатда ҳар бир фуқаронининг иззат-ҳурмати жойига қўйилган. Ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинган.

Амир Темур ҳаммага бир хил одил кўз билан қараётганлигини кўп бора таъкидлаган. «Мен сифатларнинг энг аввали деб берадликни тушундим. Ҳаммага ҳам бир хил жиддият ва одил қарардим, ҳеч бир кимсани бошқасидан фарқ қилмасдим, бойни камбағалдан устун қўймадим».

Амир Темур бўлиб ўтган дилхирликларни унутиб юборадиган бағри кенг инсон бўлган. У ҳатто ўзига қарши қилин чопган инсонларни ҳам кейинчалик кечириб юборган. Ва ҳатто турли чора-тадбирлар кўлаб уларнинг кўнглига йўл топган, бундайларнинг билими, таърибаси ва кўндан давлатни бошқаришда фойдаланган. Бу ҳақда «Темур тузуқлари»да шундай ёзилган. «Турон мамлакатини фахр этган кўнми ва пойтахт Самарқандда салтанат тахтига ўтиргандан сўнг, дўсту — душман билан муомалада бир текис йўл тутдим. Менга ёмонлик қилган, хийла-макр ишлатиб жанг майдониди менга қарши қилин ялонғочлаган Багдахшон амирлари, турку тожиқ қилишларидан қўрқувда эдилар. Чорасиз қолиб илтижо билан менинг паноҳимга келганла-

рида уларга шундай яхшилик қилдики, менинг иноятим ва ҳайр эҳсонимни кўриб улар шарманда бўлдилар. Кимни ранжитган бўлсам, эҳсону инъомлар билан кўнглидаги хафагарчиликларни чиқардим ва мартабаларига қараб имтиёзлар бердим».

Амир Темур кўл остидаги амиру амалдорларнинг базилари аслида унинг собиқ душманлари эди. У доимий равишда дўсту душман орасидан мулоҳазали, доно ва ақли одамларни кидирган, уларнинг кўнглига йўл топиб давлат ва халқ манфаати йўлида фойдаланган.

Шунингдек Амир Темур садақатли инсон бўлган. Ҳеч қачон берган ваъдасига хилоф иш қилмаган, у ваъдани иймон белгиси деб ҳисоблаган. «Мен ҳар кимгаки ваъда берсам, унга вафо қилдим, ҳар-гиз ваъдага хилоф иш қилмадим. Мен доимо ваъдаларимни аниқ бажарсам, шундагина одил бўлишим ва кимсага жабр етказмаслигимни англадим» дейди.

Тарихнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур давригача ҳам, ундан кейин ҳам фақат бойлик ортидан қувиб инсонийликни унутиб

қўйганлар бўлган. Соҳибқирон тушунчасига кўра, кимки бирор ишни фақат бойлик ортириш мақсадида амалга оширса, у бахтсиз инсондир.

Мабода подшоҳ бирор гуноҳорнинг гуноҳини кечирса, бу билан фуқаросига раҳм қилган бўлади. У камбағалнинг олдидан бирор ёрдам бермасдан ўтиб кетмаган. Баъзи манбаларда ўз устидаги кийимини ҳам йўқсилларга ечиб бергани ҳақида маълумотлар учрайди. «Мен бир қўлимда адолат шамини ва иккинчи қўлимда бегаразлик шамини тутиб, ҳам икки шай билан бутун умр бўйи ўз йўлимни ёритиб юрдим. Барча қилмишларимда ана шундай адолат қоидаларига риоя қилдим».

Соҳибқироннинг фикрича, подшоҳ қудрати Мовароуннаҳр узра ёзилган улкан бир чодирга ўхшайди. Бу чодирни кўтариб турувчи тортиб турган арқонлар — инсондир; чодирни мустаҳкам тутиб турган қозоқлар эса — ҳақиқатдир. Ҳар қандай ҳукмдор шу уч сифат билан қудратини тиклаб турмоғи керак.

Амир Темур раҳбар киши хуш-

муомала, ходимларига эътиборли бўлиши кераклигини кўп такорорлаган. У раҳбар ҳеч қачон мактовга учмайди, мактовсиз ҳам ўз имкониятларини яхши билади деб тушунган. Унингча ортиқча қаттиққўллик ёхуд юмшоқлик ҳам бошқариш ишига тўғри келмайди. Чунки қаттиққўл раҳбардан ҳамма кўрқади, юмшоқлик эса унинг ҳурмати йўқолишига, кишилар хоҳлагани ишини қилишига, бошбошқоқликка олиб келади.

Амир Темур мулозимларининг характери, психологиясидан келиб чиққан ҳолда улар билан турлича мулоқот қилган. «Темур тузуқлари»да бу ҳақда шундай маълумотлар бор: «Кундузлари таърибали ва доно кишилар билан турли мамлакатларни забт этиш шартлари устида бош қотирдим. Кечалари бўлса мамлакат ишларини қандай юргизиш кераклиги ҳақида ўйладим ва уларни бажариш қилиб ҳисобладим. Сипоҳийларим билан қандай муомала қилишим тўғрисида фикр юргизиб, қайси бирини қандай тарбият қилишим керак, қайси ишни қай бирига топширсам, хато қилмаган бўламан деб, ҳар ишни

олди кетини ўйлар эдим».

Амир Темур ҳақида ёзган Ибн Арабшох уни «икки кўзи бамисоли икки шам бўлса-да, шодлиги билинмас, йўғон овозли эди; у ўлимдан қўрқмас... изтирозисиз, вазмин, бадани тўла ва пишқик, худди зич қалин тош мисоли қаттиқ эди. У ҳазил-маза ва ёлгонни ёқтирмас, ўйин-кулгию кўнгли хушликка майлисиз, гарчи (сўзда) ўзига озор етдирган биқор нарса бўлса ҳамки, садақат унга ёқар эди. У (бўлиб) ўтган ишга азият чекимас ва ўзига ҳосил бўладиган (ютқудан) шодланмас эди...»

У (бировдан) бир гап эшитгандан қараш ва кўз ишоратларини сезадиган идрокли киши эди. У синчков бўлиб, юз берадиган барча ишни кўриб-билиб турар эди. Унинг назарида алдоқчининг алдоғи яшириниб қолмас ва фирбирнинг фирбири ўтмас, ўз фароқати билан ҳаққий ва ёлгончини ажратар эди. Ўз афкори билан сал бўлмаса учар юлдузини тўғри йўлга бошқарарди.

Франциялик таниқли темуршунос олим Люсен Керен Амир Темур характери ҳақида тўхталиб жумладан шундай ёзган: «Соҳибқирон билан мулоқотда бўлган ҳар кимса унинг на хасталик, на кексалик сўдири олган завқ-шаъвки-

дан, ўзини тутишидан, одамлар ва рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан яхши хабардор эканлигидан ҳамда дунёда ҳеч нарса раҳна соломлайдиган кучли иродасидан ҳайратта тушарди».

Ўзининг мустаҳкам, буқилмас иродаси ва характери тўғрисида Амир Темур ўз юришлари ва сиёсатида энгиллиш нималигини билмаган. Чунки унга ишнинг боришидан кўра натижаси муҳимроқ бўлган ва диққат эътиборни доимо шунга қаратган. У ўзини тутиши ён атрофдагиларга, аскарларга қаттиқ таъсир қилишини яхши англаган ва энг тахликали, оғир дамларда ҳам доимо бардам бўлишига интилан.

Турли манбалардан келтирилган бу маълумотлар бизнинг «давлат раҳбари ўз давлати ва қўшни давлатлардаги асосий воқеалар, ўз ҳудудларида таъсир кўчига эга бўлган шахслар, шаҳар ва кишалоқлар ҳаёти, жуғрофиясини яхши билиши ва шунга монанд сиёсат олиб бориши лозим», — деган фикрга келишимизга асос яратди.

Хулоса ўрнида шунга айтиш мумкинки Амир Темур салтанати пойдевори мустаҳкамлашишида энг муҳим омил, куч — сиёсат ва маънавият уйғунлиги бўлган.

ШОХИСТА УЛЖАЕВА,
тарих фанлари доктори.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEVA
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'afur HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihidin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti
233-10-13
Madaniyat va sport
233-69-45,
233-20-36,
233-44-55
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot
233-20-36,
233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqliy targ'ibot
233-12-56
Reklama va e'lonlar
233-38-55,
233-47-80
Mas'ul kotib
233-72-83,
236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda —
25-32-70
Buxoroda —
223-06-02
Gulistonda —
25-46-45
Jizzaxda —
227-48-35
Navoyda —
223-83-73
Namanganda —
226-43-81
Nukusda —
222-77-21
Samarqandda —
35-02-55
Urganchda —
517-30-58
Farg'onada —
224-18-78
Denovda —
8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi:
Mirbaxtiyor MIRFAZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshabna, payshanba va shabna kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 349
13887 nusxada bosildi
1 — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'zA yakuni — 20.45
Topshirilgan vaqti — 23.45
1 3 4 5
Sohuvda erkin narxda